



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 12 октябрь, № 209 (8832)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК RIШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА УЛКАН АМАЛИЙ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан 10-11 октябрь кунлари амалий ташриф билан Ашхобод шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 11 октябрь кун туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган «Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси» мавзусидаги халқаро форумда иштирок этди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали

Раҳмон, Эрон Исломи Республикаси Президенти Масъуд Пезешкиён, Покистон Исломи Республикаси Президенти Осиф Али Зардарий, Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух, Арманистон Республикаси Президенти Ваагн Хачатурян, хорижий давлатлар парламентлари раҳбарлари ва юқори мартабали вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар бошликлари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида форумнинг ўтказилиши халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада

яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб қилиш йўлида улкан амалий қадам бўлишини таъкидлади.

Махтумқули Фироғийнинг ижодий мероси нафақат Шарқ мумтоз шеърлатини, балки жаҳон адабиётини ҳам бойитганлиги қайд этилди.

Ўзбекистонда Махтумқули ижоди юксак қадрланади. Шоир Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасасида тахсил олиб, дунёвий ва диний илмларни ўрганган. У буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийни чуқур ҳурмат қилган.

Жорий йилда Ўзбекистонда



Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллиги кенг нишонланаётгани таъкидланди. Анжуман, семинар, адабий кеча, танлов, спектакллар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Ўзбек ва туркман киноижодкорлари томонидан шоир ҳақида ҳамкорликда бадий фильм суратга олинди.

Ўзбекистон етакчиси Туркменистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан эълон қилинган «Халқаро тинчлик ва ишонч йили» доирасида келгуси йили Ашхобод шаҳрида глобал саммит ўтказилишини қўллаб-қувватлади.

Туркменистон Президенти Сердар

Бердимухамедов Ўзбекистон Президентига мазмунли нутқ ҳамда Махтумқули Фироғий хотирасини абадийлаштириш борасида юртимизда амалга оширилаётган чора-тадбирлар учун миннатдорлик билдирди.

Тадбир нихоясида форумнинг якуний ҳужжати қабул қилинди.

Шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий юбилейига бағишланган халқаро форум якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати

Раиси Гурбангули Бердимухамедов давлатимиз раҳбарига «Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги» эсдалик медалини тантанали равишда топширди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ашхобод шаҳрига ташрифи доирасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШОИР ВА МУТАФАККИР МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО ФОРУМДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Гўзал Ашхобод шаҳрида «Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси» мавзусида ўтаётган халқаро тадбирнинг барча қатнашчиларини чин қалбимдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Анъанавий дўстона қабул ва ушбу ажойиб тадбирни юксак даражада ташкил этгани учун Туркменистон Президенти, ҳурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ҳамда Туркменистон халқининг Миллий лидери, Халқ Маслаҳати Раиси, қадрли биродарим Гурбангули Маликқулиевич Бердимухамедовга самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Азалий қадрият ва анъаналар тобора заволиб бораётган бугунги нотинч ва мураккаб дунёда Туркменистон раҳбарияти адабиёт ва маърифатни давлат сиёсати даражасига кўтариб, уни халқаро муносабатларда тинчликпарвар ва дўстона мулоқот воситасига айлантираётганини алоҳида эътироф этишни истар эдим.

Бугунги конференциямиз халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб

қилиш йўлида улкан амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Кўҳна Туркменистон кўплаб буюк инсонлар, аллома ва шоирларга бешик бўлган мўътабар диёрдир. Бу ҳақда сўз юритганда, туркман халқининг улуг фарзандлари — Озодий, Андалиб, Шайдоий, Ғойибий, Муллаанафас каби бетакрор мутафаккир ва алломаларни эсга олишимиз табиий, албатта.

Улар орасида туркман халқининг беназир фарзанди, дурдона асарлари билан инсоният тафаккурини бойитган Махтумқули Фироғий ижоди нафақат Шарқ, балки жаҳон адабиётида алоҳида ўринга эгадир.

Улуг гуманист шоирнинг ўлмас адабий мероси асрлар давомида умуминсоний қадриятлар билан уйғун бўлиб, тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат ва қардошлик каби олийжаноб фазилатларни улуглаб келмоқда.

Қутлуг 300 йиллик таваллуд айёми ЮНЕСКО раҳнамолигида халқро микёсда нишонланаётган буюк шоир асарларининг туб моҳиятида **“Дунёни яхшилик, дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-шафқат ва инсонийлик кутқаради”**, деган эзгу гоя мужассам.

Шу маънода, кимки туркман халқининг қалбини, юрагини англамоқчи бўлса, туркман

элига хос азму шижоат, дўстга садоқат каби юксак фазилатлар манбаини билмоқчи бўлса, албатта Махтумқули шеърлатидан баҳраманд бўлиши керак.

Махтумқули ўзбек халқи учун ҳам гоят ардоқли ва суюкли сиймо экани билан биз ҳақли равишда фахрланамиз. Ул зот Хивадаги Шерғозихон мадрасасида тахсил олган, дунёвий ва диний илмларни чуқур ўрганган. Айни вақтда у буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ижодини юксак қадрлагани ҳам муштарак тарихимиз саҳифалари орқали яхши маълум.

Бугунги кунда ўлкамизда Махтумқулининг дилбар шеърлари ва қўшиқлари доимо янграб, қалбларимизда яшаб келмоқда. Ҳеч шубҳасиз, унинг боқий асарлари азалдан бир-бирига қардош ва елкадош бўлган халқларимиз ўртасидаги дўстлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида юртимизда алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу санага бағишлаб адабий кечалар, танловлар, илмий анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда. Театрларимизда шоир ҳақида спектакллар қўйлиб, ўзбек ва туркман кино усталари ҳамкорлигида бадий фильм суратга олинди.

Бугун Тошкент шаҳри ва худудларимизда

ги ўнлаб кўча ва хиёбонлар Махтумқули номи билан аталади. Тошкент ва Хива шаҳарларида бу улуг сиймо хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуалари табаррук зиёратгоҳларга айланган.

Айни вақтда биз Туркменистонда ҳам ўзбек халқига, унинг маданияти ва санъати, миллий қадриятларига катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилаётганини юксак баҳолаймиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Туркменистон раҳбарияти ташаббуси ва гоёси асосида маҳобатли Махтумқули Фироғий мемориал мажмуаси барпо этилган барчамизни чексиз қувонтиради. Бу муаззам маскан қардош туркман элига хос до-нишмандлик ва бағрикенглик, юксак маърифатпарварлиқнинг ёрқин тисмолига айланмоқда.

Ана шундай оқилона сиёсат ўтган 30 йил давомида ижобий бетарафлик мақомига эга Туркменистоннинг давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида эришган мислсиз ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Биз қардош Туркменистон раҳбариятининг ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан келгуси йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили”,

деб эълон қилингани ҳамда бу борада ўзига хос глобал мулоқот платформаси яратилаётганини олқишлаймиз. Жумладан, келгуси йили декабрь ойида Ашхободда бўлиб ўтадиган халқаро саммит бу хайри йўлдаги улкан воқеа бўлади, деб ишонамиз ва туркман биродарларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёриймиз.

Азиз дўстлар! Махтумқули Фироғий бир пайтлар: **“Хизр кезган чўлда эл хуррам бўлсин, Юртимиз биноси мустаҳкам бўлсин”**, деб эзгу ният қилган эди.

Она Ватанини чин фарзандлик меҳри билан севган, унинг ёруғ истиқболи учун курашган, Ҳақ ва адолат куйчиси Махтумқули Фироғийнинг орзу-умид ва армонлари бугун тўла рўёбга чиқмоқда. Қардош Туркменистон жадал ривожланиб, мамлакатда ободлик ва фаровонлик, давлатнинг халқаро обрў-этибори тобора юксалиб бораётгани дўст Ўзбекистон халқини ҳам беҳад мамнун этмоқда.

Сўзимнинг якунида, тилагим шуки, дунёга Махтумқули Фироғий каби буюк зотларни берган туркман диёри доимо гуллаб-яшнасин!

Халқларимиз тинч-тотув, азалий дўстлигини миз боқий бўлсин!

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Космик фазо, шу жумладан Ойни ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон, Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 2 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган

Космик фазо, шу жумладан Ойни ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ қилиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича давлатларнинг фаолияти принциплари тўғрисидаги шартномага (Лондон,

Москва ва Вашингтон, 1967 йил 27 январь) қўшилисин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 10 октябрь
№ ЎРҚ—975

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» СДП номидан «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — адолатли жамият барпо этишнинг муҳим пойдевори» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ҲАМЖИҲАТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ – БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА УЛКАН АМАЛИЙ ҚАДАМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари Гурбангули Бердимухамедовни шоир ва мутафаккир Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган халқаро форум юксак даражада ўтказилгани билан самимий муборакбод этди. Суҳбатда Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш, кўп қиррали ҳамкорлиқни, айниқса, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро товар айирбошлаш жадал ўсаётгани, биргаликда чегараолди савдо ҳудуди барпо этилаётгани, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик кучайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Фаол ҳудудлараро, ишбилармонлик ва ма-

даний-гуманитар алмашинув доирасидаги тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон етакчилари минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқдилар. Бўлажак олий даражадаги мулоқотлар режаси ҳам муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Туркман халқининг миллий етакчиси Махтумқулининг ўзбек тилида наشر этилган танланган асарлари тўпламини совға қилди. Халқаро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон Ислом Республикаси Президенти Масъуд Пезешкини билан ҳам учрашди. Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Турли даражалардаги фаол алоқалар ва самарали алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Давлат раҳбарлари кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва тезкор амалга ошириш, Имтиёзли савдо битими доирасидаги маҳсулотлар рўйхатини кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Ўзбекистон ва Эрон етакчилари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга амалий ташифи яқунланди. Аэропортда давлатимиз раҳбарини Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов кузатиб қўйди.

Ў.А.

Акс садо

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Ўзбек ва туркман халқларини нафақат қўшничилик ришталари, айни чоғда қон-қардошлигимиз, бир-бирига муштарак урф-одат ҳамда қадриятларимиз, тил ва динимиз уйғунлиги ўзаро боғлаб туради. Шу туфайли халқларимиз ўртасидаги алоқалар барча даврда илиқ бўлган. Айниқса, охириги йилларда ҳамма соҳадаги ҳамкорлик ўзининг юқори палласига қўтарилди ва борди-келдиларимиз кўпайди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти таклифига биноан Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “Замон ва цивилизацияларнинг ўзаро боғлиқлиги — тинчлик ва тараққиёт асоси” мавзuidaги халқаро анжуманда қатнашгани ва унда нутқ сўзлагани ҳам икки давлат ўртасида алоқалар нечоғли мустақамлигини яққол кўрсатиб турибди.

Мазкур нуфузли форумнинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш, мамлакатларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, бой маънавий меросимизни бутун дунёга тарғиб қилиш борасидаги аҳамияти ниҳоятда юксак. Ана шу ҳақиқат давлатимиз раҳбари томонидан ҳам алоҳида эътироф этилди. Хусусан, Махтумқули Фироғийнинг бебаҳо маданий мероси нафақат туркманлар, балки ўзбеклар, умуман олганда эса барча туркий халқларнинг адабиёти, маданияти, тарихида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Туркман халқининг улуг фарзанди Махтумқули Фироғий нафақат туркий халқлар, айни пайтда жаҳон адабиёти ва маданияти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган даҳо шоир ҳамда мутафаккирдир. Унинг гуманизм ғоялари билан сугорилган асарларида мард ва матонатли, меҳнаткаш туркман халқининг эзгу қадриятлари ҳамда олийжаноб фазилатлари тараннум этилган. Айни чоғда ҳаммаша халқ билан ҳамдард бўлиш, турли миллат ва эллар ўртасида ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлаш асарлари моҳиятига сингдирилган бўлиб, бу фарзандларимизни етук инсонлар қилиб тарбиялашимизда қўл келади.

Жорий йил ЮНЕСКО раҳнамолигида шоир таваллудининг 300 йиллиги бутун дунё миқёсида кенг нишонланаётгани ҳам шоир адабий мероси жаҳон сўз санъатининг бебаҳо хазинасига айланиб улгургани ва улар инсониятнинг маънавий олами-ни юксалтиришда бекиёс аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Кези келганда, Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги бир пайтда Махтумқули Фироғийнинг ўлмас бадий меросини янада чуқур ўрганиш биз учун ҳам айни муддао эканини мамнуният билан таъкидламоқчимиз. Шу мақсадда шоирнинг бетакдор асарлари мамлакатимизда мунтазам равишда қол қилиб келинмоқда. Қолаверса, Тошкент ва Хива шаҳарларида шоир хотирасига ҳурмат ифодаси сифатида ёдгорлик мажмуалари ташкил этилган.

Табиики, бунинг барчаси даҳо шоирга халқимизнинг юксак эҳтироми ифодасидир.

Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Мудофса ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Ўзбекистон — Туркменистон:

ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ ВА ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ МУШТАРАК

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги стратегик шериклик алоқалари кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик муносабатларига, ўзаро яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асосланган. Икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси ҳамда ишончи қардош мамлакатларимиз муносабатларининг янада ривожланиши ва мустақамланишида муҳим роль ўйнамоқда.

Қайд этиш жоизки, Туркменистон Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудини яратиш, минтақанинг халқаро майдондаги роли ва аҳамиятини оширишга қаратилган замонавий очик, конструктив ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бинобарин, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича икки давлатнинг нуктаи назари ҳамда позициялари бир-бирига мос ва ўхшашдир.

Парламентлараро ва идоралараро алоқалар ҳам икки, ҳам кўп томонлама шаклларда мустаҳкамлаб бормоқда. Утган йиллар давомида эришилган натижалар бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Туркменистон парламенти билан ҳамкорлик бўйича Парламентлараро дўстлик ғуруҳи самарали фаолият олиб бормоқда. Ҳудди шундай ғуруҳ Туркменистонда ҳам тuzилган.

Давлатимиз раҳбарининг жаҳон адабиёти ва маданияти тарихида алоҳида ўрин эгаллаган атоқли шоир ва мутафаккир, туркман халқининг улуг фарзанди Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигига бағишланган халқаро форумдаги иштироки элу юртларимизнинг умумий эзгу мақсадлари ва орзу-интилишлари муштарак эканини яна бир бор яққол тасдиқлайди.

2017 йил май ойида ўзбек ва туркман халқларининг абадий дўстлиги ва биродарлиги белгиси сифатида Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Махтумқули Фироғий номи берилиб, унинг шарафига ёдгорлик ўрнатилгани, Хивада Махтумқули ёдгорлик мажмуаси барпо этилгани буюк шоирнинг ўлмас бадий мероси Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари учун нақадар

Жуманазар ОТАЖОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати.

Мулоқот

Делегациямиз халқаро парламент конференциясида иштирок этди

Аввал хабар берганимиздек, айни вақтда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги делегация Душанбе шаҳрида бўлиб турибди.

Таширф давомида делегациямиз “Тожикистон Республикаси Конституциясига 30 йил” мавзuidaги халқаро парламент конференциясида иштирок этди.

Ушбу анжуман парламентлараро ҳамкорлик ва мулоқотни янада мустаҳкамлашга

қаратилган бўлиб, унда конституциявий-ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш масаласи юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, иштирокчилар миллий ва жаҳон конституциявий тараққиётида глобал жараёнлар моҳиятини аниқлаш ва жамиятда конституциявий

қадриятларни илгари суриш борасидаги тажрибалар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлди.

Конференция доирасида бўлиб ўтган музокараларда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги дўстона алоқалар кенгайиб бораётгани, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик ривожланаётгани таъкидлаб ўтилди.

«Халқ сўзи».

Учрашув

Ўзаро алоқаларнинг янги босқичи

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Душанбега таширфи доирасида Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси Раиси Саҳиба Гафарова билан учрашув ўтказди.

Мулоқот аввалида Т. Норбоева С. Гафаровани Миллий Мажлисга сайлов муваффақиятли ўтгани, Озарбайжон парламенти раҳбари лавозимига сайлангани билан табриклаб, бундан кейин ҳам икки давлат қонун чикарувчи органлари ўртасида юқори даражадаги ҳамкорлик изчил давом эттирилишига ишонч билдирди.

Учрашувда давлатлар раҳ-

барларининг дўстона муносабатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бу қонун чикарувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Парламент раҳбарлари мулоқот давомида келгусида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни

янада юқори босқичга кўтарилга, бу борада 2024-2025 йилларга мўлжалланган янги “Йўл харитаси” асосида муносабатларни мустаҳкамлашни давом эттиришга келишиб олди.

Шунингдек, С. Гафарова Ўзбекистонда бўлажак сайловлар умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ва юқори ташкилий даражада ўтказилишига ишонч билдирди ҳамда бу борада муваффақиятлар тилади.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенатида

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатида “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини назорат қилишда маҳаллий Кенгашларнинг роли” мавзuida семинар ташкил этилди.

Унда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари, Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази вакиллари, маҳаллий Кенгашларнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиялари раислари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, котибати мудирлари, ОАВ ходимлари ва экспертлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда охириги йилларда жамият тараққиётига тўсиқ бўладиган коррупцияга қарши курашишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, буни кейинги йилларда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасида коррупцоген омилларга чек қўйишга қаратилган ва бевосита коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи 30 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шуларга мос ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш орқали шу йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни ҳар йили белгилаб олиш амалиёти йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, бу борадаги ислохотларни янги босқичга кўтаришга қаратилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам “овозига” айлантириш асосий мақсадлардан бири этиб белгиланган бўлиб, бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Семинар давомида маҳаллий Кенгашлар томонидан “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини назорат қилишда эътибор қаратиш зарур бўлган муҳим масалалар муҳокама этилди.

Хусусан, қонуннинг худудий давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари-га, худудий давлат унитар корхоналари ва мақсадли давлат жамғармаларига, устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларига ҳамда ўз устав фондида давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларга нисбатан тартиб қўйилиш масаласи муҳокама қилинган бўлди.

Иштирокчилар томонидан алоҳида қайд этилганидек, худудий давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишни амалга оширувчи коррупцияга қарши икки назорат тузилмаларининг фаолиятини мониторингдан ўтказиш ҳамда натижаларини маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш жуда муҳим. Зеро, бу коррупциянинг олдини олишда қўл келади.

Ўз навбатида, семинар давомида манфаатлар тўқнашувида оид талабларни бузганлигининг ҳуқуқий оқибатлари ҳамда жавобгарлик чоралари белгиланиши масаласида атрофича тушунарлар берилди. Айни чоғда бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўрни қандай бўлиши ҳамда ваколатлари нималардан иборат экани хусусида батафсил тўхталиб ўтилди.

«Халқ сўзи».

ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ШАФФОФЛИК КАФОЛАТЛАНАДИ

Бугунги глобаллашув даврида дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларнинг сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, соҳага илгор замонавий ёндашувларни жорий қилиш ҳар қанчонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Шу боис мамлакатимизда қулай агробизнес муҳитини яратиш, инвестициявий жойбадорлиқни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигида илм-фан ютуқларини жорий қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар рўйбга чиқариляпти.

Қонун кучга кирди

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, биз узоқ йиллар мобайнида ерга бўлган муносабатимизни ўзгартирмасдан маълум турдаги маҳсулотларни етиштиришни фермер ва деҳқон хўжалиқларига ташлаб қўйдик. Натижада ер унумдорлиги пасайди, маҳсулот етиштиришда қимб-вий моддалардан тартибсиз фойдаланиш кенгайиб кетди, аҳолини зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда муаммолар юзга келди. Таҳлилларга кўра қишлоқ хўжалиги ерларида аниқ тартибга солинмаган ҳолда маҳсулотлар етиштирилиши, тоифаси ўзгартрилиши ва глобал иқлим ўзгаришининг кескинлашуви оқибатида аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер майдонлари, ўртача йиллик сув таъминоти даражаси ҳам қисқариб кетганди.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда Президентимиз ташаббуси билан ерга бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва давлат сиёсати даражасига қўтарилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувларга давлат томонидан қўмаклашиш тизими яратилди ҳамда қўшимча ер майдонлари фойдаланишга киритилди. Айниқса, аҳолига ер участка-

ларини ажратишда барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартиб жорий этилди. Ер эгаларининг мулкий ҳуқуқлари кафолатланди, ерларни муҳофаза қилиш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар объектисифатида эркин муомалага қиритишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 9 октябрь куни имзоланган “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда ерга оид муносабатларда тенглик ва шаффофлиқни таъминлаш ҳамда ер участкаларини бозор активига айлантиришга қаратилган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлйдир.

Бугунги кунда ижарага олувчи томонидан ижарага олинган қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ер участкаларига бўлган ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа



шахсга ўтказишнинг (қайта ижарага беришнинг) ҳуқуқий асослари белгиланмаган эди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга бўлган ижара ҳуқуқини бошқа шахсларга ўтказишнинг таққилланганлиги ер участкасини ижарага олган ҳамда инвестиция қиритган шахсларнинг ер участкасига киритган инвестицияси ўрнини қоплаш имкониятларини чеклаб қўётганди. Қонун билан Ер кодексига, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Яйловлар тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Қўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қонуларга ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, эндиликда талабдор жисмоний ёки юридик шахсга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш фақат электрон онлайн-аукцион воситасида амалга оширилиши белгиланди. Аҳамиятлиси, мазкур қонун билан

қўллаб фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан кўтарилган тақлифлар асосида Ер кодекси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериш) деб номланган 24^б-модда билан тўлдирилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ер участкасидан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда ер участкасини ижарага олиш шартномаси мўддат доирасида бошқа шахсга ўтказиши (қайта ижарага бериши) мумкин.

Бунда ер участкасини қайта ижарага беришда айрим шартлар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, ижарага олувчи ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан электрон онлайн-аукцион, очик электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорларига кўра тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) беш йилдан кейин йўл қўйилди.

Бундан ташқари, ер участкасини қайта ижарага беришда ижарага олувчи очик электрон танлов натижаларига кўра ижара мўддати бўйича тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн-аукцион натижалари-

га кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бири-йўла тўлаши шартлиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда фермер хўжалиги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни мустақил равишда амалга ошириш ҳамда маҳсулотни қайта ишловчи корхоналарни ва ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) истеъмолчиларини мустақил равишда танлаш ҳуқуқлари белгиланди.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ҳам ҳақиқий бозор активига айлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон онлайн-аукцион савдоларида ер участкаси учун қиритган маблағлари кафолатини таъминлаш мақсадида “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан бериладиган компенсация тўғрисидаги 23-моддасига ўзгартириш киритилиб,

Шу нуктаи назардан айтганда, мазкур қонун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга беришда турли баҳсли мезонларни бартараф қилади. Яъни барча учун тенг бўлган электрон онлайн-аукцион савдолари жорий этилишига, ер участкалари ижарачиларига ижарага олинган ерларга нисбатан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ердан фойдаланган мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишига, қишлоқ хўжалиги ерларининг бозор активига айланишига хизмат қилади.

Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ



Жамиятда Конституция ва қонун устуворлиги таъминланганлиги, шунингдек, фаолияти шахс, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ва адолатли ҳимоя қилишга йўналтирилган одил судловнинг мавжудлиги **ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси** ҳисобланади.

Шу боис Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат қуришни **бош мақсади сифатида** эътироф этиб, бу борада, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли ва мустақил суд тизимини яратиш орқали фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашни устувор вазифа сифатида қайд этади.

Шу жиҳатдан, партия инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканини тан олиб, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида келгуси беш йиллик фаолияти учун **стратегик ҳужжат вазифасини ўтайдиган** ўз Сайловолди дастурида муҳим ғоя ва ташаббусларни, уларни самарали амалга оширишга қаратилган қатор вазифаларни таклиф этмоқда.

Одил судловни таъминлаш йўлидаги муҳим ташаббуслар

Таъкидлаш керакки, партиямиз қонунларни ижро этиш жараёнида уларга нисбатан ҳар қандай формал муносабатда бўлиш ва бунинг натижасида адолатга путур етказиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилайди. Қонунларни самарали ижро этиш ва адолатни таъминлаш эса ҳуқуқий-демократик давлатнинг зарурий шарти ҳисобланган адолатли, мустақил одил судлов фаолиятига бориб тақалади.

Шундан келиб чиқиб, партия ҳуқуқий давлат барпо этишда, аввало, адолатли ва мустақил суд тизимини яратишни мақсад қилган. Бу борадаги энг муҳим ташаббусларимиздан бири **судьялар сонини кўпайтириш ва улар ихтисослашувини кенгайтириш** ҳисобланади.

Бугунги кунда айрим ҳолларда судьянинг ўртача иш ҳажми бир неча юзлаб суд ишлари ва материалларни ташкил этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, судлар томонидан **ишларни кўриш муддатига ва сифатига салбий таъсир** ўтказмоқда.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, **2023 йил** давомида **жиноят ишлари** бўйича биринчи инстанция судида **58 418 та жиноят иши**, **600 966 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш** кўриб чиқилган. Шунингдек, **фуқаролик ишлари** бўйича судлар **943 892 та, иқтисодий** судлар **271 748 та** ишни кўриб чиққан.

Бунинг натижасида жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг **бир судьяси бир ойда ўртача 200 га** яқин ишларни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси **300 га яқин**, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса **200 га** яқин ишларни кўриб чиқишга тўғри келмоқда.

Хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, **бир судья бир ойда АҚШда ўртача 40 та, Канадада 50 та, Японияда 10 та, Германияда 15 та ва Буюк Британияда 20 та** иш кўради.

Хозирда шиддат билан ўзгариб бораётган замонда айрим тоифадаги ишлар борки, судьялардан мазкур ишларни ҳал қилишда нафақат чуқур юридик билимларни, балки бошқа соҳалар бўйича ҳам кўникмаларни талаб этади. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи бўйича судья учун юқори малакали ҳуқуқшунос бўлишнинг ўзи камлик қилади, унга техника, рақамли технологиялар соҳалари бўйича ҳам билимлар керак бўлади.

Шу боис судьялар ресурсидан оқилона фойдаланиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш учун **судьяларнинг соҳалар бўйича ихтисослашувини кенгайтириш** муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда **меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқлари**га оид йўналишлар мурраккаблигига кўра ихтисослашувни талаб этади. Агар хорижий тажрибига қараладиган бўлса, **меҳнат** судлари **Германия, Франция**да, **интеллектуал** судлар **Япония,**

Жанубий Кореяда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳозирда энг долзарб бўлган соҳалар, яъни **меҳнат, солиқ, молия, интеллектуал мулк, вояга етмаганлар ҳуқуқларини** ҳимоя қилиш масалалари бўйича судьялар ихтисослашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда биз **Ўзбекистон Экологик партиясининг** Сайловолди дастурида илгари сурилган экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича **ихтисослашган судларни ташкил этиш** бўйича судларнинг ихтисослашувига оид таклифини асосли деб, ҳисобламаймиз. Чунки шундоқ ҳам мамлакатимизда мазкур соҳадан ҳамда муҳим бўлган судлар ихтисослашув йўналишлари мавжуд. Тўғри, атроф-муҳит ва экология энг муҳим соҳа, лекин бу дегани соҳада алоҳида судлар ихтисослашувига эҳтиёж мавжуд дегани эмас. Аввало, ихти-

ролар ва тадбиркорлик субъектларининг ортиқча сарсонгарчилигининг олдини олиш мақсадида давлат органи ва улар мансабдор шахслари қарори ва хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан **маъмурий судга шикоят қилишда низоларни судгача ҳал қилиш тартибини жорий қилиш ва маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартибини йўлга қўйиш** таклифлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки эшитув босқичи демократик ва мақбул институт бўлиб, унинг жорий этилиши маъмурий суд ишларини юритиш учун конструктив ечим бўла олади.

Жаҳон амалиётида (**АҚШ, Германия**) кенг қўлланилаётган дастлабки эшитувнинг самарали ва ижобий жиҳатларидан бири аризани иш юритишга қабул қилишда тарафларнинг тортишуви принципига амал қилинишига ва юқорида баён этилган шароитда судья тарафларнинг фикрларини эшитиши ва инobatга олиши, агар эътирозлар бўлса, у ўз ажримига асослаб бериш имконига эга бўлади.

Дастлабки эшитув институти томонларга ҳам асосий суд муҳокамасига яхшироқ тайёргарлик кўриш имконини беради. Хусусан, томонлар зарур ҳужжатларни ва далилларни олдиндан тайёрлаши мумкинлиги, иш юзасидан ўз позициясини аниқроқ ва тизимли равишда асослаш имкониятини тақдим этади.

Шу нуқтаи назардан, маъмурий суд ишларини юритишда дастлабки эшитув тартиби муайян иш бўйича муҳим далилларни эрта аниқлаш орқали ишни ҳар томонлама баҳолашга ёрдам беради. Бу эса суд қарорларининг янада асосли ва адолатли қабул қилинишига замин яратади ва ўз навбатида, фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди.

Шу билан бир қаторда, **маъмурий судга шикоят қилишда низолар-**

ҳуқуқ тизимининг янада самарали фаолият юритишга хизмат қилади.

Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш

Болалар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масалалардан биридир. Бу борада вояга етмаганларга нисбатан юритилаётган одил судловнинг умумэътироф этилган халқаро стандартларини мамлакатимизга кенг жорий этиш, унинг ташкилий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис партия томонидан билдирилган **ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш ҳамда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш** билан боғлиқ ташаббуслар ҳам муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда ювенал адлия тизими **60 дан** ортиқ хорижий давлатларда кенг қўлланилмоқда. Масалан, **Францияда** ювенал адлия тизими вояга етмаганлар ишлари бўйича суд инстанцияси сифатида жорий қилинган бўлиб, ўз навбатида, ушбу инстанция мазкур соҳада мутлақ ваколатларга эга бўлган махсус органлар ҳисобланади.

Японияда ювенал адлия органи сифатида оилавий судларнинг фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, улар вояга етмаганларга нисбатан юритиладиган барча ишни кўриш ваколатига эга. **Польшада** ҳам оилавий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг асосий вазифаси оила ва болани ҳимоя қилиш ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва бевосита уларнинг тарбияси билан шуғулланишдан иборат.

Партия мамлакатимизда ювенал адлия тизимини йўлга қўйиш учун ушбу соҳада тизимли ишлар амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Бу борада соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва самарали йўлга қўйиш учун болаларнинг одил судловдан фойда-

биттаси йўл-транспорт ҳодисалари ҳиссасига тўғри келади. Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар Ўзбекистон йиллик ялпи ички маҳсулотининг **2,8 фоизига** тенгдир.

Маълумотларга кўра, республика ҳудудида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларида 2020 йилда 1962 нафар фуқаро ҳалок бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилда 2282 нафарга етган.

Бу каби ҳолатларнинг кескин ошаётгани йўлларда ҳаракатланиш бўйича қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини кескин қучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Тўғри, жазодан мақсад, аввало, тарбия ва турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳисобланади. Шу билан бирга, фақатгина жарима миқдорини ошириш ҳам йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз амал қилиш борасида кутилган натижаларни бермайди.

Шу боис бу борада аниқ механизмларни, хусусан, таъсирироқ жазо чораларини қучайтириш заруратидан келиб чиқиб, партия ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун қонун ҳужжатларида **жазо чораларини қучайтириш**, жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** ташаббусини илгари сурмоқда.

Бу борада дунё тажрибасига назар солсак, **АҚШда** ҳар бир штатда тезликни оширганлик учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, балли тизим ҳолатида кўп бора маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилса, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилади. **Буюк Британияда** ҳайдовчи тезлигини оширганида, **3 баллдан 6 баллгача** баҳоланади. Миқдор ошиб кетса, судга қақчирилади.

Айрим давлатларда маст ҳайдовчиларга жиноий жавобгарлик қўлланади. Мисол учун, **Россияда** маст ҳолда транспорт воситасини бош-

рима баллари бўлса, унинг суғурта полиси қимматлашади.

Мамлакатимизда суғурта тизимида бундай тартиб мавжуд эмас. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилишда эса унинг ашаддий қоидабузарлиги инobatга олинмайди. Шу боис йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини кўп бузган транспорт воситаси эгаси жавобгарлигини суғурта қилиш суммасини шунга мутаносиб равишда ошириш айти муддаодир.

Коррупциянинг олдини олиш — устувор вазифамиз

Партия коррупция жамият тараққиёти, иқтисодиёти, халқ фаровонлигига салбий таъсир кўрсатишини назарда тутган ҳолда, унга қарши курашиш бўйича муҳим таклифларни илгари сурмоқда.

Хусусан, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш ва уни коррупцияга қарши ягона** давлат сиёсатини юрт-түчи органга айлантириш таклифлари шулар жумласидандир.

Шу ўринда айтиш жоизки, **нодавлат нотижорат ташкилотларини коррупцияга қарши курашиш жараёнларига жалб этишнинг** ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича **Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг** таклифи бу муаммони ҳал қилишнинг самарали ечими эмас.

Фақатгина махсус ваколатлар ва уларни амалга ошириш учун тегишли ташкилий-ҳуқуқий дастакларга эга бўлган давлат органига коррупцияга қарши самарали курашиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, биз **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш** ва уни коррупцияга қарши курашиш бўйича ягона давлат сиёсатини юрт-түчи органга айлантириш таклифини илгари суряймиз.

Шу билан бирга, партиямиз илгор хорижий давлатлар тажрибаси асосида коррупция фактларини **“дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув)** институтини жорий этишни мақсад қилган. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, коррупция фактларини **“дастлабки ўрганиш”** механизми қандай ишлайди, унинг аҳамияти нимада?

Коррупцион суриштирув коррупция ҳолатларини текшириш ва уларни тасдиқлаш ёки рад этиш учун маълумот тўплашдан иборат бўлган, тегишли субъектлар томонидан ваколат доирасида ҳолатни **дастлабки ўрганиш** орқали амалга ошириладиган, коррупциянинг барвақт олдини олишга қаратилган чора-тадбир ҳисобланади. Бошқача айтганда, коррупцион суриштирув ҳолат юз беришидан олдин текшириш-ўрганиш асосида олиб бориладиган превентив чорадир.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотларда жазолаш ёки оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг **олдини олиш ва барвақт аниқлашга** қаратилган превентив чораларни қўллашга катта аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, **коррупцион суриштирув** институтига самарали амал қилишни таъминлаш, ўз навбатида, ҳуқуқий ислохотларни давом эттиришни ҳам талаб қилади. Хусусан, дастлабки ўрганиш, коррупцион суриштирувни амалга оширадиган **субъектлар тоифасини** белгилаш, уларнинг **ваколат ва вазифалари**, ҳуқуқ ва мажбуриятлари **чеғарасини аниқ белгилаш** лозим бўлади.

Шу сабабли, мамлакатимизда ҳам мазкур институтнинг ҳуқуқий тизимига киритилиши коррупцион фактларни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишга, давлат органлари фаолиятида шаффофликни қучайтириш ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилган барча ташаббусни ҳаётга изчил татбиқ этиш ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлашга, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай шароитлар яратишга ёрдам беради.

Ишонамизки, партиямизнинг бундай эзгу мақсадлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланади!

Адолатли жамиятни биргаликда қурамиз!

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Нодира РАШИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлигига номзодлар.

